

**Чет тилларини ўргатишда қиёслаш методининг ахамияти.**

ЎзДЖТУ 3- босқич талабаси

Махмудова Майрамхон Бахтиёр қизи

Илмий раҳбар испан тили катта ўқитувчиси

Ачилова Зулхумор Пулатовна

achilova.zulxumor@mail.ru Тем:93-571 31 70

Тилшуносликнинг қадимий даври, қадимги Юнонистон ва Хиндистондан бошланади. У даврда тилшунослик асосан мантиқ йуналишига қурилган бўлиб, тил мантиқнинг ёрдамчи воситаси сифатида ўрганилган. Тил фикрни шакллантирувчи ва ифодаловчи қурол сифатида қурилган. Аристотель қадимий мутафаккирлардан биринчи бўлиб тилнинг грамматик формаларига эътибор берди ва сўз туркумлари тўғрисидаги ғояни ривожлантирди. Ўрта асрга келиб Европада ҳамма илмий соҳалардаги каби тилшуносликда ҳам турғунлик юзага келди. Кўпроқ қизиқиш латин тилига қаратилган эди. Чунки ўша даврда латин тили тилшуносликда ҳукмронлик қилди, десак муболаға булмайди. У ҳамма ерда ўқитилар ва ўрганилар, дунёвий ва диний илмлар латин тилида олиб борилар эди. Шу сабабли латин тили ҳар томонлама тадқиқ қилинди. Кўпроқ латин тилининг ёзув томони ўрганилди, у ривожланмаган тил бўлганлиги сабабли, оғзаки нутқ томони, яъни товуш томони ўрганилмади. Булардан ташқари, латин тили грамматикаси автоматик тарзда бошқа тиллар грамматик нормаларига кўчириб ўрганилди.

XVII асрга келиб тилшуносликда анча тил материаллари тўпланиб қолди ва кўп тилли луғатлар тузиш даври юзага келди. 1723 йили Испанияда қироллик академияси очилди. Қироллик академиясида бир қанча машҳур тилшунос олимлар ижод қилиши учун шароит яратилди. Ўша даврнинг тилшунос олимларидан бўлмиш Andres Bello, Amado Alonso, Martin Alonso, Allarcos Llorac



иштирокида бир қанча испан тили грамматикасига оид китоблар ва луғатлар нашр этилди. Бу луғатларга хатто баъзи бир Африка, Америка ва Лотин Америка тиллари хам киритилган. 1490 йили Исидор Де Сеиллянинг этимологияга оид луғати, 1505 йилда Араб ва Кастиля тили луғати ва Испаня Қироллик академияси томонидан 1926-1939 йиллари 6 томлик энциклопедик луғат яратилди.

Испан монахи Лоренцо Эрваси Пандура аввал итальян, сўнг испан тилида ўзининг машхур тиллар каталогини, уларнинг бўлиниши, классификацияси, шевалари ҳақидаги (1800—1804 йиллар) асарини чоп этди. У 300 га яқин тиллар ҳақида маълумот ва 40 тилнинг грамматикасига тавсиф берди. Булар эса ўз навбатида испан тили ривожига катта хисса қўшди. Миллатнинг шаклланиши ёзувли тилларнинг мустахамланишига олиб борди. Ёзув тилининг ривожини Испанияда, Италияда, Францияда, Германияда ва Россияда норматив грамматиканинг тузилишини тақозо этди. Ўша даврда Антонио Небриханинг «Кастиля тили грамматикаси» 1492 й, П.Раменинг (1552) «Француз тили грамматикаси», И.Уоллиснинг (1653) «Инглиз тили грамматикаси», Лаврентий Зизаниянинг (1656) «Словенская грамматака»си ва бошқалар юзага келди.

XIX асрнинг бошларига келиб тилшуносликда янги бир йуналиш, изланиш шакллана бошлади. Бу йуналишнинг номи «қиёсий-тарихий тилшунослик» деб аталади. Бу йуналишнинг туғилиши ва оёққа туришига узок изланишлар сабаб бўлди. Биринчи бўлиб XVI асрда яшаган италиялик саёҳ ва олим Ф.Сосетти ўзининг Хиндистонга қилган сафарида қадимги хинд тили — санскрит билан италян тилидаги сўзларнинг ажойиб ўхшашликлари, келиб чиқишида бир хиллик борлиги ҳақида ёзади.

Италиялик саёҳ ва олим Ф.Сосеттининг фикрига қўшилган холда, ушбу мақола орқали рус ва испан тилларида хам ажойиб ўхшашликларни мисол сифатида келтириб ўтишга ҳаракат қилдик. Масалан: рус тилидаги **мама** - испан тилидаги **мама**, ёки рус тилидаги **брат** -тожик тилидаги **биродар**, рус тилидаги



тамат ёки - испан тилида помидор **tomate**, рус тилидаги **дать** бермоқ испан тилидаги **dar**, испан тилидаги **parte** қисм- рус тилидаги **партия**, **бўлим** ёки **ташкilot**, рус тилидаги **день** –**dia**, **деньги**-**dinero**, **маршировать** –**marchar**, **материнский** –**maternal**, **матрос** –**marino**, **монах**-**monje**, **наш**-**nuestro** ва бошқа шунга ўхшаш қариндош —уруғчиликни ифодаловчи сўзларни кўплаб келтириш мумкин.

XIX асрнинг бошларига келиб санскритни ўрганишга бўлган эътибор янада кучайди. Олмон олими Ф.Шлегельнинг хинд маданияти ва тилига қизиқиши туфайли «Хинд тили ва хиндларнинг донолиги» асари пайдо бўлди, унда санскрит тилининг лотин, грек, форс, герман тилларидаги ўзак сўзлар билан яқинлигига эътибор қаратилди. Бундан ташқари бу тилларнинг грамматик структурасида ҳам яқинлик мавжудлиги эътироф этилди.

Шундай қилиб, қиёсий-тарихий тилшунослик қуйидаги принципларга асосланди:

- 1) Хар бир тил бошқа тиллардан фарқли ўлароқ ўз хусусиятига эгадир.
- 2) Бу фарқлар қиёслашда намоён бўлади.
- 3) Қиёслаш орқали кўплаб тиллар оилаларга гурухлаштирилади.
- 4) Қариндош, оиладош тиллар ўртасидаги фарқлар тўхтовсиз тарихий ўзгаришлар орқали асосланиши, тушунтирилиши мумкин, дарвоқе тарихий ўзгариш хар бир тилнинг зарурий хусусиятларидандир.
- 5) Тил товушлари бошқа элементлардан кўра кўпроқ ўзгарувчан бўлади ва уларнинг бир оила ичидаги ўзгарувчанлиги, сўзнинг ўзаги, флексия ва аффикслар баъзан минг йиллар давомида ўзгармай, турғун бўлади.

Олимлар томонидан хатто хинд—европа «Бобо тилини» тўлиқ тиклаш ҳам мумкин дейилади. 1820 — 1831 йиллари Хумбольдт тилларни ўрганишнинг кенг қамровли режасини тузади. «Тилда нимаики мавжуд бўлса — бу абсолют рух орқали пайдо бўлган, тилларнинг хар хиллиги бу фақат товуш ва белгилар хар хиллиги эмас, бу дунёқарашнинг хар хиллигидадир», — дейди Хумбольдт.



У ёзади: «Халқнинг рухий (Маънавий) ўзига хослиги ва тилнинг қурилиши шундай бир —бирига чуқур киришиб кетганки, тез орада уларни битта ходиса деб тан олинади, хатто уларни бир —бирлари орқали ажратиб олиш ҳам мумкин. Онгли фаолият ва тил ўзларини қониқтирадиган шаклларни яратадилар. Тил худди халқ рухининг ташқи кўринишидир, халқ тили унинг рухидир, халқ рухи эса унинг тилидир. Бундай бир бутунликни бошқа нарсаларда кўриш кийин. Тил рухнинг доимий фаолиятидир, товушни тўхтовсиз фикр ифодасига айлантирувчидир». Олимнинг фикрича, тил орқали халқ характериham англаб олиш мумкин. Миллий, рухий хусусияти орқали тилнинг ўзига хос лиги ham аниқлаб олинади мумкин. Тил авлоддан авлодга анъанавий тарзда ўтади ва хар бир индивиднинг тил фаолиятани белгилаб беради. Тил системасининг синхрон тахлили тилни тадқиқ қилишнинг мухим воситасидир. Тилда янгиликлар айрим шахслар томонидан яратилади, лекин улар барча сўзловчилар қабул қилганларидагина муомалада қолади. Шунинг учун ham тил жамоаси руҳсати хал қилувчи маъно касб этади. Индивид ўз билганича тил белгисини ярата олмайди. Шу боисдан тил тараққиёти психик ёки физик сабабларга кўра аниқланмайди, балки уни ижтимоий — тарихий шароит аниқлайди.

Буюк тилшунос Фердинанд Де Соссюр (1857—1913) Швейцарияда туғилди, миллатига кўра француз. Унинг "Хинд— европа тиллари унлиларининг дастлабки тазими хақида маълумотлар" китоби тилшуносликда маълум ва машхурдир. Соссюр тил тарихини жамият тарихи, кишилик маданияти тарихи билан боғлайди. Унинг эътирофича миллат урф — одатлари тилда аксини топади.

Қариндош, оиладош тиллар ўртасидаги фарқлар тўхтовсиз тарихий ўзгаришлар орқали асосланиши, тушунтирилиши мумкин, дарвоқе тарихий ўзгариш хар бир тилнинг зарурий хусусиятидир. Тилдаги ушбу ходисаларни қиёсий ва чоғиштирма аспектда ўрганилиши икки тил учун муҳим бўлган қатор янги қирраларни очишга муайян даражада хизмат қилади



Хулоса қилиб айтганда тилларни бир-бири билан қиёслаб ўрганиш методикаси ўз навбатида тил тарихини, милатнинг урф-одатларини, байрамлари, маданияти каби муҳим томонларига этиборни қаратиш кераклигини кўрсатиб беради. Хар қандай тилни ўрганиш жараёнида ўша халқнинг ички дунёсига кириб бориш муҳим. Чунки баъзида шундай сўзлар учрайдики у сўзнинг маъносини фақат ўша халқ урф-одатлари, маданияти ёки тарихи ҳақида аниқ тушунчага эга бўлгандагина таржима қилиш ёки тушуниш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М.Э. Умархўжаев “Умумий тилшунослик” Андижон -2010 й
2. Ачилова З. П. Синхрон таржима жараёнида мураккаб морфологик ҳодисалар ва синтактик конструкцияларнинг ўзига хос хусусиятлари //образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – т. 31. – №. 2. – с. 23-28.
3. Ачилова З. П. Таржимашунослик назарияси мутахассислиги фанларига бағишланган замонавий дарсликлар яратишнинг ахамияти //journal of innovations in scientific and educational research. – 2023. – т. 6. – №. 2. – с. 316-318.
4. Ачилова З. Словообразовательные и грамматические трудности при переводе испанского текста на русский //Центральноазиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – №. 6 Part 6. – С. 220-224.
5. Ачилова З. П. Применения метода корректирующей компенсации при переводе политических выступлений //journal of innovations in scientific and educational research. – 2023. – т. 6. – №. 2. – с. 319-322.